



**Статистика фаолиятини ташкил этиш ва йиғма ахборот-таҳлилий
ишлари бўлими
НИЗОМИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур низом Наманган вилоят статистика бошқармаси Статистика фаолиятини ташкил этиш ва йиғма ахборот-таҳлилий ишлари бўлимининг (кейинги ўринларда Бўлим деб юритилади) мақоми, асосий вазифалари ва функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, унинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Бўлим Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3165-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган ва Наманган вилоят статистика бошқармасининг (кейинги ўринларда бошқарма деб аталади) таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

3. Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги қонуни ва бошқа қонунларига, Олий Мажлиснинг норматив қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг топшириқларига Наманган вилоят статистика бошқармаси тўғрисида”ги Низомга, мазкур Низомга, шунингдек бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

4. Бўлим статистика фаолиятини ташкил этиш ва йиғма ахборот-таҳлилий ишлари бўйича фаолиятини бошқарманинг тармоқ ҳамда шаҳар ва туман статистика бўлимлари билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

5. Бўлим ўз фаолиятини бошқарма бошлиғи раҳбарлигида амалга оширади.

Бошқарма ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича бошқарма бошлиғининг биринчи ўринбосарига бўйсунди.

2-боб. Бўлимнинг асосий вазифалари ва функциялари

6. Қуйидагилар бўлимнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

а) *Вилоят статистика бошқармаси бўлимлари ҳамда шаҳар, туман статистика бўлимлари билан давлат статистика соҳасида ягона сиёсатни амалга ошириш, статистикани ташкил қилишнинг самарали тизимини таъминлаш ва давлат статистикаси соҳасида мувофиқлаштириш ва функционал тартибга солиш соҳасида:*

Давлат статистика ишлари дастурига кўра статистик маълумотларни йиғиш, таҳлил қилиш, қайта ишлаш ва умумлаштириш бўйича ишларни ташкил қилиш ва мувофиқлаштириш;

шаҳар ва туман статистика бўлимлари бўйича бирламчи статистика маълумотларини йиғиш ва қайта ишлаш тизимини такомиллаштиришни таъминлаш юзасидан бошқарманинг тармоқ ҳамда шаҳар ва туман статистика бўлимлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

тадбиркорлик субъектлари ўртасида профилактика ишларини ташкил этиш бўйича бошқарманинг тармоқ ҳамда шаҳар ва туман статистика бўлимлари фаолиятини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш;

давлат статистика тизими фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш ва уларни амалга оширишда иштирок этиш;

б) ижтимоий-иқтисодий ҳодисалар, жараёнлар ва уларнинг натижалари тўғрисидаги статистик ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш, тўплаш, сақлаш, умумлаштириш, таҳлил қилиш ва эълон қилиш соҳасида:

Давлат статистика ишлари дастури, Давлат статистика ишлари дастурини ишлаб чиқариш дастури, статистика фаолиятини ташкил этиш ва йиғма ахборот-таҳлилий ишлари режа-жадвалининг бажарилишини ўз вақтида таъминлайди;

Вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожланиши бўйича ҳудудлар ва иқтисодиёт тармоқлари кесимидаги йиғма статистик ва иқтисодий-аналитик кўрсаткичларни тегишли тармоқ бўлимлари билан биргаликда тайёрлайди ва чиқаради;

статистик кўрсаткичларнинг тезкорлигини, ишончлилигини ва холислигини таъминлаш, уларнинг қулайлиги, ошқоралиги ва очиқлигини кенгайтириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда иштирок этади;

Давлат статистика ишлари Дастурига асосан статистик ахборотномалар, тўпламлар ва нашрларни тайёрлайди ҳамда чоп этади;

Бошқарма эҳтиёжлари учун статистик бюллетенлар, тўпламлар ва бошқа ҳужжатларни чоп этиш ва нусха кўчириш ишларини ташкил этади;

тавсия этилган халқаро стандартлар асосида статистикада сифатни бошқариш тизимини жорий этиш ва ривожлантириш ишларида иштирок этади;

Вилоятдаги сўнгги янгиликлар, вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари ва даврийлиги бўйича маълумотларни очиқлиги, шаффофлигини таъминлаш юзасидан бошқарманинг тармоқ бўлимлари томонидан ойлик пресс релизлар, чораклик кўрсаткичлар ҳамда йиллик таҳлилий маълумотларни расмий веб сайтга жойлаштириб борилиши юзасидан назорат юритади;

в) статистика кўрсаткичларининг ишончлилиги, ҳаққонийлиги, тезкорлиги ва тизимлилигини таъминлаш бўйича мониторинг юритиш соҳасида:

статистик кўрсаткичларнинг ишончлилиги, ҳаққонийлиги, яхлитлиги ва тизимлилиги юзасидан мониторинг юритиш;

шаҳар ва туман статистика бўлимлари томонидан амалдаги қонунчилик асосида барча юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан давлат статистикаси соҳасидаги

қонунчилик талабларини бажарилишини назорат қилишни амалга оширилиши юзасидан мониторинг юритиш;

вилоят статистика бошқармаси тармоқ бўлимлари томонидан Давлат статистика ишлари дастурида белгиланган ишларнинг бажарилишини таъминланиши юзасидан назоратни ташкил этиш;

шаҳар ва туман статистика бўлимлари томонидан амалдаги қонунчилик ҳужжатларига ҳамда Давлат статистика қўмитаси, вилоят статистика бошқармасининг қарор ва топшириқларига риоя этилишини назорат қилиш;

статистика ишларини ташкил этиш масалалари бўйича шаҳар ва туман статистика бўлимларига замонавий даражадаги тизимли ёрдам кўрсатиш;

ижтимоий-иқтисодий ҳодисалар, жараёнлар ва уларнинг натижалари тўғрисидаги туманлар, шаҳар статистика бўлимларидан олинган бирламчи статистика ахборотларини ва маълумотлар базаси сифатини тизимли назорат қилиш бўйича ишларни ташкил қилиш.

давлат статистика ҳисоботларини тақдим этиш тартибига риоя этилиши юзасидан ишларнинг ташкил этилиши, давлат статистика ҳисоботларини тақдим этиш тартибини бузган хўжалик юритувчи субъектларнинг мансабдор шахсларига нисбатан қонунчилик ҳужжатлари асосида қўлланиладиган чоралар бўйича ишларнинг юритилиши юзасидан фаолиятни ташкил этиш, назорат қилиш ва мувофиқлаштириш;

г) Давлат органлари, юридик шахслар, аҳолини белгиланган тартибда статистик маълумотлар билан таъминлаш соҳасида:

маҳаллий ҳокимият, давлат идоралари ва фойдаланувчиларнинг кенг оммаси учун статистик ахборотларнинг максимал даражада очиқ-ойдинлиги ва ошқоралигини таъминлайди;

миллий иқтисодиёт тармоқлари ва соҳалари ҳамда ҳудудларнинг ривожланишини, ислохотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва технологик қайта жиҳозлаш, хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш, вилоят ҳудудларини комплекс ривожлантириш бўйича қабул қилинган дастурларнинг амалга оширилишини, аҳоли турмуш даражасидаги сифат ўзгаришларини янада тўлиқ ақс эттирадиган статистик ахборотларни тезкор ва сифатли тайёрлашни амалга оширади;

вилоятнинг иқтисодий ривожланиш ҳолати, иқтисодиётни ривожлантириш ва ислох қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган қарорларнинг амалга оширилиши ҳолати тўғрисидаги йиллик ва чораклик статистик ва таҳлилий материалларни тайёрлайди ва белгиланган тартибда тақдим этади;

статистик кўрсаткичларни визуаллаштиришнинг илғор усулларини жорий этиш йўли билан алоҳида статистик кўрсаткичлар тўғрисида аҳолини хабардор қилиш чораларини кўради;

шартнома асосида, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда статистик, таҳлилий, ахборот, ноширлик хизматларини ва Давлат статистика ишлари дастуридан ташқари бошқа хизматларни кўрсатади;

ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичларини фойдаланувчиларга сўров асосида тақдим этади.

7. Бўлим ўз зиммасига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

статистика кўрсаткичларининг ишончлилиги, ҳаққонийлиги, тезкорлиги ва тизимлилигини таъминлаш бўйича ишларни ташкил қилади ва мувофиқлаштиради;

Давлат статистика ишлари дастури, Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастурининг бажарилишини назорат қилади ва унинг натижалари бўйича бошқарма раҳбариятига ҳар ой маълумот тақдим этади;

Бошқарманинг тармоқ ҳамда шаҳар ва туман статистика бўлимларида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этилишини таъминлаш юзасидан ўрганишлар ўтказди;

ҳисобот маълумотларининг ҳаққонийлиги, тўлиқлиги ва сифатлилигини таъминлаш бўйича бошқарманинг тармоқ ҳамда шаҳар ва туман статистика бўлимлари фаолиятини назорат қилади;

Бошқарманинг тармоқ ҳамда шаҳар ва туман статистика бўлимлари томонидан давлат статистика ҳисоботларини тақдим этиш тартибини бузган мансабдор шахсларга нисбатан амалдаги қонунчилик ҳужжатларига асосан қўлланилаётган чоралар юзасидан назорат олиб боради, бу борадаги фаолиятни мувофиқлаштиради, ҳар ой натижалари бўйича қўлланилган чоралар бўйича маълумотларни умумлаштиради ва белгиланган тартибда тақдим этиб боради;

ўз ваколати доирасида бўлим ойлик, чораклик ва йиллик ижтимоий-иқтисодий ривожланиш натижалари бўйича статистик маълумотларни тайёрлашни таъминлайди, шунингдек фойдаланувчиларга белгиланган тартибда тақдим этади;

статистик, таҳлилий ва ташкилий ишларни бошқарманинг тармоқ бўлимлари томонидан ўз вақтида ва сифатли бажарилишини назорат қилади;

Вилоят статистика тизимини ривожлантириш дастурларини, статистика фаолиятининг жорий ва истиқбол режаларини амалга ошириш бўйича ишларда иштирок этади;

йиғма статистик маълумотларни тайёрлаш учун ишлаб чиқилган жадваллар макети асосида белгиланган тартибда бошқарманинг тармоқ ҳамда шаҳар ва туман статистика бўлимларидан маълумотлар йиғиб олади;

иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тенденциялари сабаблари ва омилларини тавсифловчи таҳлилий маълумотларни тайёрлаш ишларини ташкил этади;

Вилоят статистика бошқармаси веб-сайтидаги вилоят ва унинг ҳудудлари ижтимоий-иқтисодий ривожланишини тавсифловчи статистик кўрсаткичларини янгилаб боради;

давлат органлари учун ахборот ва статистик маълумотларни тайёрлаш ишларини ташкил этади;

ахборотномалар, статистик тўпламлар ва маълумотларни чоп этиш бўйича ишларни ташкил этади ва мувофиқлаштиради;

жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари, шу жумладан, электрон шаклдаги муурожаатларнинг, бўлим ваколоти доирасида, тегишли қисмини кўриб чиқади ва улардаги масалаларни хал қилиш бўйича, зарур ҳолларда жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари иштирокида, таклифлар тайёрлайди;

Бўлим белгиланган тартибда ўзига юкланган бошқа функцияларни ҳам бажаради.

3-боб. Бўлимнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

8. Бўлим ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Бошқарманинг тармоқ ҳамда шаҳар ва туман статистика бўлимларидан ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун зарур материаллар ва маълумотларни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

йиғма маълумотларни тайёрлаш, нашр қилиш ва тарқатиш самарадорлигини ошириш бўйича бошқарма раҳбариятига таклифлар киритиш;

Бошқарманинг тармоқ ҳамда шаҳар ва туман статистика бўлимлари томонидан Давлат статистика ишлари дастурига асосан тақдим этиладиган статистик маълумотларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини назорат қилиш;

йиғма ахборотларни тайёрлаш, нашр қилиш ва тарқатиш соҳасида норматив-ҳуқуқий базани янада ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича ишлар олиб бориш;

ўз ваколоти доирасида Давлат статистика ишлари дастурига мувофиқ статистик маълумотларни тайёрлаш муддатларига амал қилинишини назорат қилиш;

Бўлим ваколотида кирувчи масалалар юзасидан бошқарманинг тармоқ бўлимлари билан йўриқнома бериш бўйича йиғилишлар ўтказиш;

Бўлим фаолиятига тегишли масалалар бўйича конференциялар, семинарлар ва йиғилишлар, шу жумладан халқаро йиғилишлар ишида, шунингдек халқаро лойиҳаларда иштирок этиш.

Бошқарманинг тармоқ ҳамда шаҳар ва туман статистика бўлимларида статистика фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш бўйича Бошқарма бошлиғига таклифлар киритиш;

Бошқарманинг тармоқ ҳамда шаҳар ва туман статистика бўлимларидан белгиланган тартибда Бўлим вазифаларини бажариш учун зарур бўлган маълумотларни олиш;

Бўлим ваколотида кирувчи масалалар бўйича ишлар ижросини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш;

юридик ва жисмоний шахсларнинг Бўлим фаолиятига оид бўлган масалалар бўйича хатлари ва сўровларини кўриб чиқиш ва уларга жавоб тайёрлаш.

9. Бўлим қуйидагилар учун жавобгар:

ўзига юкланган вазифаларни самарали ва лозим даражада бажариш;

ваколотида кирувчи ахборот, таҳлилий ва бошқа материалларни юқори даражада тайёрлаш;

давлат статистикаси принципларига амал қилиш, илғор халқаро амалиётда қўлланилаётган ҳамда фойдаланилаётган усулларни доимий равишда такомиллаштириш;

бўлимга киритилган ҳужжатлар лойиҳалари, таклифлар ва масалаларни эксперт жиҳатидан сифатли ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари ва бошқа ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорлари, фармойишлари, Давлат статистика қўмитаси ва вилоят статистика бошқармаси раҳбарияти топшириқларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши, ҳисобот ва ижро интизомини таъминлаш;

бўлимга келиб тушган ва чиқаётган материалларнинг давлат, тижорат сирларига риоя қилиниши ва сақланишини таъминлаш.

4-боб. Бўлимнинг тузилмаси

10. Бўлим тузилмаси ўз ичига бўлим бошлиғи, бўлим бошлиғи ўринбосари, бош ва етакчи, 1-тоифали мутахассислар қиради.

11. Бўлим ишига бўлим бошлиғи раҳбарлик қилади.

12. Бўлим бошлиғи ва бўлим мутахассислари Наманган вилоят статистика бошқармаси бошлиғи томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

13. Бўлим йиғма тезкор маълумотларни ва индикатор кўрсаткичларини шакллантириш бўйича қуйидагиларни амалга оширади:

Наманган вилояти бўйича, ҳудудлар ва иқтисодиёт тармоқлари кесимидаги йиғма статистик ахборотларни тегишли тармоқ бўлимлари билан биргаликда тайёрлаш;

йиғма статистик кўрсаткичлар асосида ойлик, чораклик ва йиллик тезкор маълумотларни умумлаштириш ва тарқатиш;

давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, хўжалик юритувчи субъектлар, фуқаролар ва ташкилотларни белгиланган тартибда статистик ахборотлар билан таъминлаш;

йиғма статистик маълумотларни шакллантириш ва тарқатиш ишларини такомиллаштириш бўйича ишларни мувофиқлаштириш;

бошқарманинг тармоқ ҳамда шаҳар ва туман статистика бўлимларига йиғма статистик маълумотлар ва асосий кўрсаткичларни шакллантириш учун макетларини тайёрлаш;

Давлат статистика ишлари дастурига ва бошқарма раҳбарияти топшириғига мувофиқ, статистик ахборот ва статистик жадвалларларни шакллантириш;

йиғма статистик маълумотларни шакллантириш бўйича бошқарманинг тармоқ ҳамда шаҳар ва туман статистика бўлимларига услубий ва амалий ёрдам кўрсатади;

Бўлим белгиланган тартибда ўзига юкланган бошқа функцияларни ҳам бажаради.

14. Ахборот-таҳлилий ишларни мувофиқлаштириш ва ахборотномаларни тайёрлаш бўйича қуйидагиларни амалга оширади:

Давлат статистика ишлари дастурига асосан тегишли тармоқ бўлимлари билан биргаликда статистик ахборотномаларни ўз вақтида ва сифатли чоп этилишини таъминлаш;

Давлат статистика ишлари дастурига ва бошқарма раҳбарияти топшириғига мувофиқ, ахборот-таҳлилий маълумотларни шакллантириш;

ахборот-таҳлилий маълумотларни шакллантириш бўйича бошқарманинг тармоқ ҳамда шаҳар ва туман статистика бўлимларига услубий ва амалий ёрдам кўрсатади;

Вилоят статистика бошқармаси эҳтиёжи учун статистик бюллетенлар, тўпламлар ва бошқа хужжатларни кўпайтириш ишларини ташкил қилиш;

5-боб. Бўлим фаолиятини ташкил этиш

15. Бошқарманинг иши Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги қонуни, Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Давлат статистика ишлари дастури, Давлат статистика қўмитаси томонидан тасдиқланадиган Давлат статистика ишларини ишлаб чиқиш дастури, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тўғрисида низом, бошқарма низоми ва мазкур Низомга, Давлат статистика қўмитаси раисининг буйруқлари ва топшириқларига мувофиқ, шунингдек Давлат статистика қўмитасининг иш режалари, Бошқарманинг иш режалари ва бўлим ходимларининг функционал вазифалари асосида ташкил этилади.

Юклатилган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш бўйича Бўлим фаолияти самарадорлигининг доимий мониторинги, Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастурини ва Давлат статистика қўмитаси ва вилоят статистика бошқармаси раҳбарияти топшириқларини электрон хужжат айланиши тизимида ўз вақтида бажарилишини назорат қилиш, шунингдек Бўлим томонидан бажарилган режадаги ва режадан ташқари ишлар тўғрисида ойлик ҳисобот тузиш орқали ташкил этилади.

Бўлимнинг иш режаси Вилоят статистика бошқармаси бошлиғи томонидан тасдиқланадиган бошқарма иш режалари асосида шакллантирилади ва бошқарма бошлиғининг биринчи ўринбосари томонидан тасдиқланади.

Ходимларнинг функционал вазифалари бўлим бошлиғи томонидан юкланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда тайёрланади ва бошқарма бошлиғининг биринчи ўринбосари томонидан тасдиқланади.

16. Бўлим бошлиғи:

Бўлимга бевосита раҳбарликни амалга оширади, бўлимда мутахассисларнинг ишини ташкил қилади, бўлимга юкланган вазифа ва функцияларнинг лозим даражада бажарилиши, ижро ва меҳнат интизомининг ҳолати учун шахсан жавоб беради;

Вилоят статистика бошқармасида ва шаҳар, туман статистика бўлимларида Давлат статистика ишлари дастурини бажарилишининг доимий мониторингини амалга оширади;

Статистикани ташкил этиш масалалари бўйича бошқарманинг тармоқ ҳамда шаҳар ва туман статистика бўлимлари бошлиқлари билан ҳамкорликни ташкил қилади;

Бўлимнинг тасдиқланган тузилмаси ва штат жадвалига мувофиқ лавозимларга тавсия қилинган номзодлар, ходимларнинг касбий даражаси ва иш малакасини ошириш, уларни рағбатлантириш ва жазолаш чоралари бўйича таклифларни пухта ишлаб чиқади ва раҳбариятга кўриб чиқиш учун киритади;

Бўлимнинг иш режаси лойиҳасини ишлаб чиқади ва бошқарманинг биринчи ўринбосарига тасдиқлаш учун киритади;

Бўлим ходимлари ўртасида вазифаларни таксимлайди;

Вилоят статистика бошқармасининг йигилишлари ва мажлисларида, шунингдек бошқарма раҳбариятининг топшириғига биноан Бошқарма тасарруфига кирувчи масалалар бўйича идоралараро ишчи гуруҳлар ва кенгашлар фаолиятида иштирок этади;

Вилоят статистика бошқармаси бошлиғи ва унинг ўринбосарларининг топшириқларига мувофиқ таҳлилий ва умумлаштирувчи материалларни тайёрлайди, қўйилган вазифаларни янада самарали амалга ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилишини таъминлайди;

Йиғма статистик ва таҳлилий маълумотларни шакллантириш бўйича бошқарманинг тармоқ ҳамда шаҳар, туман статистика бўлимларининг раҳбарлари ва мутахассисларига маслаҳат ва услубий ёрдам кўрсатади;

Иш юритиш, берилган топшириқларни бажарилишини назорат қилади, ходимларнинг расмий ҳужжатлар билан ишлаш ва уларни сақлаш тартибига қатъий риоя қилинишини таъминлаш;

Бошқарманинг жорий ва истиқбол иш режаларига мувофиқ бўлим ваколатига кирувчи масалалар бўйича таҳлилий ва бошқа материалларни ўз вақтида, тизимли асосда тайёрланишини таъминлайди;

Бўлим ишининг самарадорлиги даражасини ошириш ва кадрлар билан тўлдириш чораларини кўради;

Бўлим кадрлари заҳирасини шакллантиришни ва янгилашни, кадрлар заҳирасига киритилган шахслар билан тизимли ишларни ташкил қилишни таъминлайди;

Бўлим ходимлари билан юклатилган вазифалар, кирувчи ҳужжатларни назорат қилиш ва тажриба алмашиш масалалари юзасидан йўриқнома бериш бўйича йиғилишлар ўтказади;

Бўлим фаолиятини такомиллаштириш, Давлат статистика ишлари дастурини, Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастурини шакллантириш бўйича таклифларни ишлаб чиқади;

Ходимлар томонидан бўлимга келиб тушган ва чиқаётган материалларнинг давлат ва тижорат сирларига риоя қилинишини ва сақланишини таъминлайди;

Ходимларни бошқа лавозимларга кўрсатиш, ўтказиш ва рағбатлантириш, зарур ҳолларда жазолаш чорасини қўллаш тўғрисида Бошқарма бошлиғига таклифлар киритиш;

Бўлим ходимларининг лавозим маошларига шахсий устамалар белгилаш, шунингдек аввалги ўрнатилган устамаларни камайтириш ёки бекор қилиш бўйича Бошқарма бошлиғига таклифлар киритиш;

Бўлим ишини ташкил этишни, усули ва услубини яхшилаш, ҳисобот, ижро ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

Бўлим ваколатига кирадиган масалаларни муҳокама қилишда идоралар, корхона ва ташкилотларда Давлат статистика қўмитаси номидан қатнашиш;

17. Бўлим бошлиғи вақтинчалик бўлмаган тақдирда унинг вазифасини бўлим бошлиғи ўринбосари бажаради;

18. Бўлим бошлиғи ўринбосари

мутахассисларнинг ишини мувофиқлаштиради ва бошқарманинг тармоқ бўлимлари ҳамда шаҳар, туман статистика бўлимлари билан ҳамкорликни ташкил қилиш учун шахсан жавоб беради;

йиғма тезкор маълумотларни ва индикатор кўрсаткичларини шакллантириш бўлимига юклатилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда мутахассислар томонидан маълумотнома, таҳлилий, статистик ва бошқа материалларни сифатли ва ўз вақтида тайёрланишини ташкил қилади;

бошқарманинг Кенгаш йиғилишларига бўлим бошлиғи билан биргаликда таҳлилий материалларни тайёрлашда иштирок этади;

йиғма тезкор маълумотларни ва индикатор кўрсаткичларини шакллантириш бўлими мутахассислари томонидан статистик кўрсаткичларнинг шаклланишини мувофиқлаштиради, эришилган натижаларнинг доимий мониторингини юритади;

бўлим фаолиятини ташкил этиш ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш бўйича ишларни мукамаллаштиришни ташкил қилиш ;

Вилоят статистика бошқармаси тармоқ ҳамда шаҳар, туман статистика бўлимлари фаолиятини комплекс ва мақсадли ўрганишларда иштирок этади;

Бўлим бошлиғининг топшириғига мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини, шу жумладан электрон шаклдаги мурожаатларни, кўриб чиқиш учун зарур материалларни тайёрлайди, уларда кўрсатилган масалаларни ҳал қилиш бўйича лойихани тайёрлайди;

бўлим ваколатига кирувчи масалалар бўйича конференциялар, семинарлар ва учрашувларда Бошқарма номидан қатнашади ва ҳ.к.

19. Бўлим бош мутахассиси:

функционал вазифаларига мувофиқ материаллар, таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли, ишончли ва ўз вақтида тайёрланиши учун шахсан жавоб беради;

статистик ва таҳлилий маълумотларни тўплаш масалалари бўйича тармоқ бўлимлари ва шаҳар, туман статистика бўлимлари билан ҳамкорлик қилади;

Давлат бошқаруви органлари учун ахборот, статистик ва бошқа маълумотларни тайёрлаш ишларини ташкил қилади;

статистик тўпламлар, ахборотномалар ва бошқа статистик жадвалларнинг кўриниши, макетларининг тузилиши ва муқовасини ишлаб чиқишни ташкил қилади;

йиғма статистик ва таҳлилий маълумотларни шакллантириш мақсадида тармоқ бўлимлари ва шаҳар, туман статистика бўлимлари учун жадваллар макетини ишлаб чиқади;

статистик маълумотлар фойдаланувчиларининг сўровларини ўрганиб чиқиб, статистик нашрлар, ахборотномалар ва бошқа ахборот-таҳлилий маълумотларни такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлайди;

келиб тушган мурожаатлар билан ишлайди ва бўлим иш юритишида иштирок этади;

Наманган вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг яқунлари бўйича ахборот-таҳлилий маълумотларни тайёрлаш ишларини амалга оширади;

Вилоят статистика бошқармаси бўлимлари ва шаҳар, туман статистика бўлимлари томонидан тақдим этилган статистик маълумотларни таҳлил қилади ва умумлаштиради ҳамда зарур таҳлилий маълумотлар ва хулосалар тайёрлайди;

бўлим ваколатига кирувчи масалалар бўйича бошқарманинг тармоқ ҳамда шаҳар, туман статистика бўлимларига маслаҳат ёрдами кўрсатади;

бошқарманинг тармоқ ва шаҳар, туман статистика бўлимларига статистика ҳисоботлари тақдим этиш тартиби ҳамда уни бузганлик учун Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг тегишли моддасига мувофиқ маъмурий жазо чораларини қўллаш бўйича маълумотларни умумлаштиради ва таҳлилин олиб боради;

раҳбариятнинг топшириқларига мувофиқ жорий ишларни бажаради;

вазифалар тақсимланишига мувофиқ ҳамда бошқа функцияларни амалга оширади.

20. Бўлим етакчи мутахассиси:

функционал вазифаларига мувофиқ материаллар, таклифлар ва ҳужжат лойиҳаларининг сифатли, ишончли ва ўз вақтида тайёрланиши учун шахсан жавоб беради;

бўлимнинг тегишли бўлими ваколатига кирувчи масалалар бўйича тармоқ бўлимлари ва шаҳар, туман статистика бўлимларига маслаҳат ёрдами кўрсатади;

вилоят статистика бошқармаси тармоқ бўлимлари ва шаҳар, туман статистика бўлимлари томонидан тақдим этилган ахборотларни ҳар томонлама таҳлил қилади, умумлаштиради ва зарур таҳлилий маълумотлар ҳамда хулосалар тайёрлайди;

давлат бошқарув органлари учун ахборот, статистик ва бошқа маълумотларни тайёрлаш ишларини ташкил этади;

йиғма статистик ва таҳлилий маълумотларни шакллантириш мақсадида тармоқ бўлимлари ва шаҳар, туман статистика бўлимлари учун жадваллар макетини ишлаб чиқади;

ойлик, чораклик ва йиллик индикаторлар, тўпламлар, ахборотномалар учун тайёрланган макетлар бўйича барча тармоқ бўлимларга ҳамда шаҳар, туман статистика бўлимларига тарқатади;

тадбиркорлик субъектлари билан профилактика ишларини ташкил қилиш ва ўтказиш бўйича бошқарманинг тармоқ ва шаҳар, туман статистика бўлимлари фаолиятининг мониторингини юритиш ва мувофиқлаштириш.

раҳбариятнинг топшириқларига мувофиқ жорий ишларни бажаради;

вазифалар тақсимланишига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

21. 1-тоифали мутахассис

функционал вазифаларига мувофиқ материаллар, таклифлар ва ҳужжат лойиҳаларининг сифатли, ишончли ва ўз вақтида тайёрланиши учун шахсан жавоб беради;

булим бошлигининг топшириғига мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатларини, шу жумладан электрон шаклдаги муурожаатларни, қўриб чиқиш учун зарур материаллар ва уларда кўрсатилган масалаларни ҳал қилиш бўйича таклифлар тайёрлашда иштирок этади;

иш юритишни олиб боради, бошқармада ҳужжатларнинг ўтиш тартибини ташкил қилади, ҳужжатларни архивда сақлаш учун тайёрлаш ва ўз вақтида топширилишини таъминлайди;

раҳбариятнинг топшириқларига мувофиқ жорий ишларни бажаради, статистика органларга тақдим этиладиган ҳисобот шакллари қамровининг ижросини таъминлаш бўйича маълумотларни умумлаштиради ва таҳлилни олиб боради;

вазифалар тақсимланишига мувофиқ бошқа функция ҳамда вазифаларни амалга оширади.